*Таҳририят хатқутисига келиб тушаётган ариза-шикоятларни бир-бир варақласангиз, турфа тақдирлар-у, турли-туман тортишувларнинг гувоҳи бўласиз. Мактуб йўлловчиларнинг айримлари ўз бошига тушган ноҳақликлардан нолиса, яна бировлари шикоятбозликни яхши кўргани ёки кимнидир кўролмаганидан "қўлига қалам олади"...*

# БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

## у нималардан иборат?



**"СУДДАН МИННАТДОРМАН..."**

Таҳририятга Сурхондарё вилояти Шеробод туманидан мактуб йўллаган муштарий ўз хатини ана шундай сўзлар билан бошлайди. Биз мактуб муаллифининг илтимосига кўра, унинг исм-шарифини газета саҳифаларида чоп этмаяпмиз. Лекин у бошидан ўтказган воқеалар кимгадир сабоқ бўлишини инобатга олиб, ушбу хатни чоп этишга жазм этдик.

"2002 йилнинг кузида ўзим кўнгил қўйган қизга уйландим. Яширмайман, оилада кенжа фарзанд бўлганим сабабли бироз эркаман. Мен уйланган қиз эса уйида якка-ю ёлғиз фарзанд. Шунинг учун ҳам эркалик ва тантиқлик "касал"и уни ҳам четлаб ўтмаган. Аввалига тинч-тотув бошланган турмушимиз орадан олти-етти ой ўтар-ўтмас "бузилиш" арафасига бориб қолди. Баъзида оддий нарсаларни устида ҳам "ётиб ёқалашардик". Ота-онамиз орамизга тушавериб эслари кетишарди. Лекин биз муросага келай, демасдик. Чунки на хотиним ва на мен бир гапдан қолишни истамасдик...

Хуллас, охир-оқибат оиламиз ажралишгача бориб етди. Энг ёмони, биз бу пайтда фарзанд кутаётган эдик. Туғилажак фарзандимиз ҳам бизни тўхтатиб қололмади. Мен судга ариза бердим. Хотиним ҳам ажралишга рози эди. Лекин ишни кўриб чиққан судья бизни ажрашмасликка, вақтинча бўлса-да, алоҳида яшаб, ўйлаб кўришга кўндирди. Тўғриси, ўша пайтда мен ҳам, хотиним ҳам судьянинг мажбурлаши билан бу шартга рози бўлган эдик. Кейин судья мени алоҳида чақириб, оиламни асраб қолишим кераклиги, чунки ҳадемай она бўлиш арафасида турган аёлимга оғир бўлиши, тўнғич фарзандим кимнингдир қўлида тирик етим бўлиб қолиши ҳақида узоқ гапирди. Насиҳат қилди. Хуллас, мени хотиним билан ярашишга кўндирди. Кейинчалик билсам, у хотинимни ҳам чақириб, унга ҳам худди шундай насиҳат қилган экан...

Биз унинг гапи билан ярашдик. Орадан кўп ўтмай ўғлимиз Умиджон дунёга келди. Фарзандимиз оиламиз ришталарини мустаҳкамлади. Биз бир-биримизни тушуна бошладик. Яқинда эса яна қиз фарзанд кўрдик. Менинг назаримда, бугун дунёда биздан бахтлироқ оила йўқ. Ота-оналаримиз ҳам бизнинг бахтимиздан хурсанд. Улар ҳар куни бизни яраштиришга кўндирган судьяни дуо қилишади.

Ишдан келганимда ўғлимнинг "дадажон", деб чақирган бир оғиз сўзи учун жонимни беришга ҳам тайёрман. Қизиқ, бир пайтлар хотиним билан ажрашиб кетсам, ҳозир бу бола кимнинг қўлида бўларди, деган ўйни хаёлимга келтиришдан ҳам қўрқаман. Сизларга мактуб йўллашимдан мақсадим – бизнинг ҳаёт йўлимиз бошқа тенгдошларимизга ҳам сабоқ бўлсин. Ҳар бир йигит ва қиз оила қуриш ёки ажралиш ҳақида ўйлашдан олдин, албатта, етти ўйлаб бир кессин. Қолаверса, бизнинг оиламизни сақлаб қолган, мен ва хотинимга тўғри йўл кўрсатган судьяга ўхшаш инсонларнинг умри узоқ бўлсин.

Ушбу мактубимни газета саҳифаларида чоп этасизлар, деган умидда, шерободлик мухлисларингиз Т. Т."

Тўғриси, аввалига бу хатни чоп этишни лозим топмаган эдик. Лекин яқинда таҳририят хатқутисига келиб тушган мактублар билан таниша туриб, унинг бутунлай акси бўлган бир воқеани гувоҳи бўлдик. Шунинг учун ҳам анча вақтда буён столимиз ғаладонида ётган мактубни яна қўлга олдик.

Энди бизни ушбу мактубни чоп этишга ундаган шикоят хати билан танишинг.

**"ОИЛАМ НЕГА БУЗИЛДИ?"**

Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Бўстон қўрғонида яшовчи Нилуфар Отамуродова ўз шикоят-аризасига ана шундай сарлавҳа қўйган. Келинг, масаланинг моҳиятини англаш учун унинг мактубидан қисқагина иқтибос келтириб ўтайлик.

"1999 йил октябр ойида Маллаев Илёс деган йигитга турмушга чиқдим. 2000 йилда қизимиз дунёга келди. Турмуш ўртоғим иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамасдан, оиламизга ҳамманинг ҳаваси келарди. Лекин орадан тўрт йил ўтиб, оиламизда турли келишмовчиликлар келиб чиқа бошлади. Мен аввалига бунга жиддий эътибор бермадим. Ўзимча бу ҳар бир оила ва ҳар бир эр-хотин ўртасида бўлиб турадиган вақтинчалик тортишувлар, ҳаммаси ўтиб кетади, деб ўйладим. Ҳатто эрим мени уриб, тан жароҳати етказган пайтларида ҳам уйдаги гапни кўчага олиб чиқмадим. Тўғриси, ёлғизгина қизимни тирик етим қилишни истамадим...

Аммо эрим ва унинг оиласидагилар бу ҳолатимни тўғри тушунишмади. Яна одатдаги жанжаллардан биридан сўнг менинг даволанишимга тўғри келди. Мен онамнинг уйида туриб даволанаётган пайтимда эрим ажрашиш учун судга ариза берганини эшитиб қолдим. Мен унга ажрашиб, қизимни тирик етим қилиш ниятим йўқлигини айтдим. Шунга қарамасдан, менинг иштироким ва розилигимсиз, ҳатто, ярашув муддати ҳам белгиламасдан, сиртдан ажралиш ҳақида қарор чиқариб берибди...

Хуллас, эндиликда собиққа айланган турмуш ўртоғим И. Маллаев яна "уйланаман"га тушиб қолди.

Биринчидан, суд менинг иштирокимсиз ва розилигимсиз сиртдан қарор чиқаришга қонунан ҳақлимиди?

Иккинчидан, эр-хотинни ярашув муддати белгиламасдан туриб ажратиб юбориш мумкинми?

Учинчидан, менинг қайта-қайта қилаётган шикоятларимга суд нега ўз вақтида жавоб бермаяпти? Ҳатто, қизимга алимент ундириш масаласи ҳам чўзилиб келаяпти. Уларнинг мен ва қизимнинг тақдирига бу даражада бефарқ қарашлари қонун бузилишига олиб келмаяптими?

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Сизлардан илтимос, менга ёрдам берсангизлар".

Бор-йўғ воқеа шундан иборат. Ана энди ушбу шикоятни озгина таҳлил қилиб кўрсак. Дарҳақиқат, судья нега ишни Н.Отамуродованинг иштирокисиз кўриб чиқди? Нега бир томоннинг талаби билан эр-хотинни ажратиб юборди? Нега уларга ярашув муддати белгиламади? Эр-хотин-ку ўз йўлига, нега тўрт яшар норасида гўдакнинг келажак тақдирини ўйламади?

Бу саволларга жавоб топилар. Лекин И. Маллаев ва унинг ота-онаси нима учун ўз жигарлари бўлган қизчани тақдир қўлига топшириб қўйишди? Тўғри, оилавий келишмовчиликлар, ажралишлар олдин ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Шу маънода бир оиланинг ажралиб кетишидан катта фожиа ясаш ниятимиз йўқ. Бизни ўйлантираётган ва ташвишга солаётган биргина масала бор. У ҳам бўлса, бегуноҳ қизчанинг келажаги.

### Tahlil va saboq

Ахир, фарзанд дунёга келар экан, унинг келажагини таъминлаш масъулияти нафақат она, балки отанинг зиммасига ҳам тенг тушади. И. Маллаев ажралиш ҳақида фикр юритаётган пайтда бу ҳақда ўйлаб кўрмадимикан?..

**"САВОЛЛАРИМИЗГА ЖАВОБ БЕРИНГ..."**

Навбатдаги мактубни Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани, Сузук ота кўчасининг 3-уйида яшовчи Раҳимхўжа ва Ҳамидахон Алимхўжаевалар йўллашган. Унинг мазмуни қуйидагича:

"2003 йилнинг 31 январ куни оиламиз бошига мусибат тушди. Қизимиз Дилором Дўстматова ўз келинлик уйида вафот этди. У 1992 йилда Абдурасул Дўстматовга турмушга чиққан эди. Уларнинг оиласида доимий келишмовчиликлар бўлиб, куёвимиз ҳеч қаерда ишламас ва қизимизга кўп жабр кўрсатарди. Биз эса маҳалла-кўйдан уялиб, қизимизга насиҳат қилиб, яраштириб қўярдик. Ўша куни ҳам қизимизнинг уйига чиққан ва анча вақт гаплашиб ўтирган эдик. Унинг кайфияти яхши эди. Лекин орадан икки-уч соат вақт ўтиб, унинг совуқ танасини кўрдик...

Мана, шунга ҳам икки йилдан ошаяпти. Бироқ бу воқеага оид жиноят иши ўз ечимини топмаяпти.

Қўлимизда марҳуманинг танасига ўлимидан олдин етказилган тан жароҳатлари акс эттирилган фотосуратлар, биринчи экспертиза хулосаси ва қизимизнинг сўнгги мактуби бўлишига қарамасдан, жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилди. Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?.."

Албатта, бу ўринда ҳакамлик қилмоқчи эмасмиз. Эҳтимол, фарзандидан ажралган ота-она алам устида шикоят ёзаётгандир. Лекин мутасадди идоралар вакиллари уларни чақириб, ишни холис ва ҳар томонлама кўрилганини тушунтириб беришлари мумкин эди-ку? Агар шундай бўлганида ортиқча асаббузарлик ва ёзишмаларга ҳам ҳожат қолмасди.

Таҳририятга келаётган шикоят хатларини ўқир эканмиз, аксарият ҳолларда бир хил хулоса чиқаришимизга тўғри келади. Агар жойлардаги мутасаддилар, маҳаллий раҳбарлар фуқароларнинг мурожаатига панжа ортидан қарашмаса, уларни ўз вақтида тинглаб, имкон даражасида муаммоларини ечишга ёрдам беришса, албатта, шикоятбозлик камайган бўлар ва биз ҳам бугунгидек қалам тебратмаган бўлар эдик.

Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай, азиз муштарий?!

**Ислом ҲАМРО,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

### Dunyoning ishlari

# ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАН... ЧОЛЛАР

Бир неча йиллардан буён немис изқуварлари банкларни ўмариш билан шуғулланиб келаётган учликни "қўлга тушмас ўғрилар", деб таърифлашар эди. Чунки уч кишидан иборат тўда дастлаб 1988 йилда Германия банкларидан бирини "шилиб" кетган. Шундан бери орадан йигирма йилга яқин вақт ўтди. Гуруҳ бу орада яна ўн учта банкни "тинчитди". Лекин ўзларини Шерлок Холмс ҳисобловчи немис изқуварлари уларнинг изидан туша олмади. Жиноятчилар ташқи кўринишидан жуда бақувват кўринишар, ҳар бир "иш"га ўта пухта тайёрланишган, тиш-тирноқларигача қуролланишар, энг асосийси, ўзларидан бирорта ҳам из қолдиришмас эди. Босқинчилик пайтида юзларига ниқоб тутиб олишгани сабабли ҳеч ким уларнинг қиёфасини эслаб қола олмасди. Лекин шарқона қилиб айтганда, кўза кунда эмас, кунида синади. Ва ниҳоят, қароқчилар қўлга тушди. Босқинчиларнинг қўлга тушишига эса изқуварларнинг устамонлиги эмас, аксинча, оддий тасодиф сабаб бўлди.

Хуллас, жорий йилнинг бошларида Германиянинг Шверте-Вестховен шаҳридаги "Спаркассе" банки ходимлари одатий иш кунларини якунлаётган пайтда банкка уч нафар юзига ниқоб таққан босқинчилар бостириб киришди. Улар банк ходимларига қурол ўқталиб, банк кассаларида мавжуд бўлган жами 25 минг еврони қўлга киритишди. Лекин банкдан чиқиб кетаётиб, уларнинг бири оғир-оғир нафас ола бошлади. Шунда шериклари унинг юзидаги ниқобни ечишга мажбур бўлишди. Ана шу пайт қатор қилиб полга ётқизиб қўйилган банк ходимлари ўғри эмас, аксинча, мункиллаб қолган чол эканини кўришди. "Спаркассе" банки ходимларининг кўрсатмасидан кейингина изқуварлар банкларга кириб чиқаётган ёш мижозларни эмас, балки кекса мижозларни кузата бошлашди.

Ниҳоят, "Спаркассе" банкини ўмарган гуруҳ ўн бир ойдан сўнг янги "иш"га отланди ва бу гал қўлга тушди.

Улар 74 ёшли Руди Рихтер, 73 ёшли Вилфрид Акерманн ва 64 ёшли Лотар Акерманн экан. Босқинчилар илк тергов пайтидаёқ барча айбларини бўйинларига олишди. Ўзларининг гувоҳлик беришларича, бу пенсионер чоллар жами бўлиб 14 марта турли банкларга босқин уюштиришган. Ўз "фаолият"лари давомида банкларга тегишли бўлган, умумий қиймати 1 миллион уч юз минг евро миқдоридаги бойликни "тинчитишган". Улар босқинчилик пайтида тўппонча, граната ва ҳатто, болта билан қуролланишган. Лекин улар бирор марта, бирорта инсонга жароҳат етказишмаган. Энг қизиғи, улар ўз "иш"ларига ўқланмаган ёки ўйинчоқ тўппончалар билан чиқишар экан.

Айни кунларда "қўлга тушмас ўғрилар" гуруҳи устидан суд ҳукм чиқариши керак. Судьяларнинг эса боши қотган. Чунки амалдаги немис қонунчилиги бўйича уларнинг ҳар бирига камида 15 йиллик қамоқ жазоси берилиши керак. Бироқ, чолларнинг саломатлиги яхши эмас. Улардан иккитасининг қулоғи оғир бўлса, учинчисига доимий юрак хуружи азоб беради...

Судьяларнинг қандай қарорга келишларини вақт кўрсатади, албатта.

**Шоира САЙДУЛЛАЕВА**

### Mitti maslahat

# ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАР

## УЛАРНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ

Ҳар бир вояга етмаган боланинг бошқа ҳуқуқлари сингари шахсий номулкий ҳуқуқлари ҳам мавжуд. Оила кодексининг 65-моддасида белгиланишича, ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиши, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиши улар билан яшаш ҳуқуқига эга (бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир).

Боланинг ота-онаси бўлмаганда ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оилада тарбияланиш ҳуқуқи васийлик ва ҳомийлик идораси томонидан таъминланади.

Вояга етмаган болаларнинг ўз ота-онаси билан бир оилада яшаши ва тарбияланиши учун, у аввало, ўзининг ота-онасини билиши керак. Болаларнинг ўз ота-онасини билиши **"Бола ҳуқуқлари тўғрисида"**ги БМТ Конвенциясининг 7-моддасида баён этилган. Вояга етмаган боланинг отаси ёки онаси деганда, қонуний никоҳда турган эркак ва аёл ёки қонун билан белгиланган тартибда оталиги ёки оналигини аниқлаб, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш дафтарида боланинг отаси ва онаси сифатида қайд этилган шахслар тушунилади.

Вояга етмаган боланинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи ҳам шахсий номулкий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади.

Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Бундан ташқари, бола ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, Оила кодексида назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик идораси, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаган бола қонунга мувофиқ тўла муомала лаёқатига эга, деб эътироф этилса, у ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини шу жумладан, ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳақлидир.

Боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик идорасига, ўн тўрт ёшга тўлганда эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

**Фарҳод АКБАРОВ**



Шаршара

*Одамларга хос бўлган муҳаббат, дўстлик, бир-бирига ғамхўрлик, рашк каби туйғулар тўртоёқли жониворларга ҳам бегона эмас экан. Лекин фарқли томони шундаки, бу ҳиссиётлар уларда ғаройиб тарзда кечади.*

# ИЗОҲСИЗ "МУҲАББАТ"

Ростов ҳайвонот боғидаги воқеалар бунинг исботи. Кунларнинг бирида кучли шамол туфайли ҳайвонот боғида эски дарахт қулаб тушади. Дарахтда олмахон ин қўйган бўлиб, ундаги учта ҳали кўзи очилмаган олмахон боласи қаровсиз қолади. Уларнинг ҳаётини сақлаш учун ҳайвонот боғи назоратчиларидан кимдир эмизикли уй мушугини олиб келади. Буни қарангки, она мушук олмахон болаларини эмиза бошлайди. Шу тариқа олмахончалар мушук сутини эмиб катта бўлишди.

Кўп йиллар ҳайвонот боғи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида ишлаган Александр Липковичнинг айтишича, мушуклар ўзларидан катта ҳайвонларни ҳам овқатлантиришга ёрдам берар экан. Масалан, «Зара» лақабли қоплон ҳар йили 2-3 та бола туғса-да, лекин уларга меҳр бермаган. Ҳайвонот боғи ходимлари қоплончаларни овқатлантириш учун уй мушуги хизматидан фойдаланишган. Бу тажриба муваффақиятли чиққан.

Ёввойи ҳайвонлар ва оддий уй жониворларининг ўзаро дўстлиги ҳақида гап кетганда, яна кўплаб мисол келтириш мумкин. Масалан, «Барман» лақабли қўтос билан оддий уй мушуги ўртасидаги дўстлик ришталарининг мустаҳкамланишида қўтоснинг охуридаги емишнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Чунки унда фақат ўт-ўлан ва ўсимликлар бўлади. Мушук эса ўт емайди. Шундай бўлса-да, мушук қўтоснинг қафасини ўзига макон қилиб олган. У вазни икки тонна бўлган қўтоснинг олдинги оёқлари устида ухлашни ёқтиради. Бундан ташқари, «Барман» устида ухлаётган дўстининг уйқусини бузмаслик учун қимирламай туришга ҳаракат қилади. Унинг қалин териси, қўпол кўриниши нозик ҳиссиётларини намоён этишга тўсқинлик қилаётгандек туюлади. Ҳайвонот боғига келувчилар бу манзарани кўриб ҳайратланишади.

Бу каби ҳолатларни олимлар уй ҳайвонларининг мижози ўзгарганини билан изоҳлашади. Тадқиқотчиларнинг айтишича, мабодо уй ҳайвонлари ҳайвонот боғига келиб қолгудек бўлса, ўз меҳрини ёввойи ҳайвонларга (одамларга эмас!) беришга интилар экан. Бу ҳол агар табиат қўйнида рўй берса, бирор кўнгилсизлик билан тугаши мумкин. Ахир, синалмаган отнинг сиртидан ўтма, деган мақол бежизга айтилмаган-да. Ҳайвонот боғида эса уларнинг ўрталаридаги муносабат ўзгача кўринишда ифодаланади. Масалан, «Сара» лақабли мушук Ростов ҳайвонот боғида гавдаси ниҳоятда келишган. «Линарс» лақабли йўлбарсни доимо ҳимоя қилади. «Линарс» «Йўл-йўл рейс» фильмида суратга тушган йўлбарснинг авлоди бўлгани учун ҳам машҳурдир. «Сара» кўпинча йўлбарснинг оёғига суйкалиб унинг ёнбоши ёки устида ухлайди. «Линарс»ни Боку ҳайвонот боғига кўчирмоқчи бўлишганида транспортдаги қафасга унинг севимли дўсти «Сара»ни ҳам киритиб қўйишга мажбур бўлишди. Чунки «Линарс» бетоқатланган куйи «Сара»дан ажралишга норозилик билдиради. Божхоначилар йўлда баҳоси бир неча минг АҚШ долларига тенг йўлбарс билан оддий, яъни баҳоси атиги бир долларга тенг бўлган мушук бир қафасда кетаётганидан ажаблангани боис ҳужжатларни роса синиклаб текширишган экан.

Ажабланарлиси, агар тўртоёқли уй ҳайвонлари севиб қолса, ҳатто ўлимдан ҳам қўрқмас экан. «Маркиза» лақабли мушук «Терентий» лақабли кенгурунинг шу қадар яхши кўрар эдики, уни ҳамма-ҳаммадан рашк қилар эди. У кенгуруни ҳар доим қўриқлаб юрар, ёнига бирорта ҳам бошқа жонзотни келишига йўл қўймас эди. Бордию, бирон-бир кенгуру юраги бетлаб, «Терентий»нинг ёнига келса, ҳеч шубҳасиз мушукнинг аёвсиз ҳужумига учрайди.

Яна бир воқеа. Ҳайвонот боғидаги «Метта» (зоологлар уни эркалаб «Мотя» дейишади) лақабли горилла мушукларни ниҳоятда ардоқлагани учун машҳур эди. У анча йиллардан буён бола кўрмай қўйган, шунинг учун ўзининг оналик меҳрини бошқа ҳайвонларга бағишлаган эди. У асосан қора рангли мушукларни жуда ёқтирар, айниқса, «Антрацит» лақабли мушукка меҳри бўлакча эди. Мабодо мушук унинг олдига келгудек бўлса, бундан қувончи ичига сиғмас, мушукни қўлига олиб эркалатарди. «Метта»га овқат олиб келинганда, у биринчи навбатда мушукни ўз қўли билан овқатлантирар, тозаланган ёнғоқ ва бананларни мушукнинг оғзига мажбурлаб солар эди. «Антрацит» ширинликларни ейишдан бош тортиб қаршилик кўрсатар, киши раҳмини келтирадиган даражада нола қиларди. Шундай кезларда у гориллaнинг қўлидан қочиб кетар, лекин орадан озгина вақт ўтар-ўтмас яна ортига қайтади.

Зоолог-олимлар бундай дўстликни ҳамиша ёқлашади. Чунки одамсимон маймунлар ҳар доим ҳам ўйнаб-кулиб юравермайди. Улар ҳам тушкунликка тушиши, изтироб чекиши мумкин. Ана шундай пайтда уларга атрофдаги одамлардан кўра, оддий уй ҳайвонлари азиз ва меҳрибонроқ ҳисобланади. Маймунлар улар билан овуниб, кўнгилсизликларни унутишар экан.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёввойи ҳайвонлар билан оддий уй ҳайвонлари ўртасидаги дўстлик уларни турли кўнгилсизликларни унутишга ёрдам беради. Нафақат дўстлик, балки меҳр-мурувват, раҳм-шафқат каби туйғуларнинг борлиги учун ҳам жониворлар доимо бир-бирига талпинади. Уларни ҳатто ҳайвонот боғидаги панжаралар ҳам ажрата олмайди.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА**
**тайёрлади.**

# ОЛДИН КЎТАРИЛГАН МУШТ

## СУД ОЧЕРКИ

Элликқалъа туманида яшовчи Азимбой ака яхши ният билан ўғлига Қаҳрамон, деб исм қўйди. Аммо бахтга қарши у ўсиб-улғайиб, вояга етгач, отаси орзу қилган мардлик, қаҳрамонлик йўлини эмас, қабоҳат ва зўравонлик йўлини танлади.

Қаҳрамон дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди ва Президентимизнинг **«Амнистия тўғрисида»**ги Фармонига асосан жазодан озод этилди. 2003 йилнинг 30 июнида жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман суди уни содир қилган жинояти учун яна 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этди. Зарафшон шаҳар судининг 2004 йил 16 апрелдаги ажрими билан жазонинг ўталмай қолган қисми ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилди.

Бироқ Қаҳрамон бундан тегишли хулоса чиқариб, тавбасига таянмади. У ҳали ахлоқ тузатиш ишлари муддати тугамай туриб, яна жиноятга қўл урди...

Кунларнинг бирида у «Тико» автомашинасида киракашлик қилиб юрган Рустам Каримов билан танишиб қолди.

Кутилмаган учрашув иккиласини бир қадар яқинлаштирди. Улар бирга киракашлик қила бошлашди. Қаҳрамон кунларнинг бирида Рустамдан «Тико» машинасини ўзига ижарага бериб туришни сўради. Бироқ унинг таклифига Рустам кўнмади. Ғаши келган Қаҳрамон янги қилиқлар ўйлаб топиш йўлига ўтди.

— Менга қара, — деди бир куни дабдурустдан. — Бундай қиламиз. Менга «Қаҳрамондан 50 минг сўм қарз олдим», деб, тилхат ёзиб бер.

— Қанақа қарз? — дея ҳайрон бўлиб сўради Рустам. — Мен сендан ҳеч қанақа пул олганим йўқ-ку?

— Киракашликни бирга қиляпмиз. Лекин сен менга ҳеч нарса берганинг йўқ, — аччиқланди Қаҳрамон. — Ўшанинг ҳисобидан тилхат берасан. Укдингми?

Рустам норозилик билдирган эди, Қаҳрамон муштини ишга солди. Сўнгра унинг кўкрак чўнтагида бўлган машина ҳужжатларини зўрлик билан тортиб олди. Ҳужжатни қайтариб беришни сўраган Рустам яна калтак остида қолди.

Афсуски, зўравонлик бу билан тугамади.

— Эртага 10 минг сўм пул олиб келасан. Акс ҳолда, ўзингдан кўр, — дея Қаҳрамон Рустамга шарт қўйди.

Рустам уйига қайтаркан, йўл-йўлакай қудаси Улуғбекдан қарз олди ва эрталаб уни Қаҳрамоннинг қўлига тутқазди.

Шундан сўнг улар муросага келишиб, машинани гоҳ Рустам, гоҳ Қаҳрамон бошқариб юрди. Ана шундай кунларнинг бирида, кутилмаганда, Қаҳрамон автоҳалокат содир этди. Машина тузатиш чоғида яна келишмовчилик юзага келди. Қаҳрамон Рустамни шашт билан кўкрагидан итариб юборди ва машинани унга бермаслигини айтди. Шундан сўнггина Рустам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат этди.

Суд жараёнида Қаҳрамоннинг муштумзўрлиги ўз тасдиғини топди. Шу сабабли Қаҳрамон Жуманиёзов жиноят ишлари бўйича Элликқалъа туман суди ҳукми билан қонуний жазога маҳкум этилди.

### Nadomat

Жиноятчи-ку қилмишига яраша жазоланди. Аммо кишини бошқа бир ҳолат ўйга толдиради: жабрланувчи Рустам Каримов нега бундай йўл тутди? У олдиндан ўзига таниш бўлмаган Қаҳрамон билан нима учун бу қадар яқин алоқа боғлади? У зўравонликлар хусусида ўз вақтида тегишли ҳуқуқий идораларга мурожаат қилмоғи лозим эмасмиди?

Бу каби саволларга бир сўз билан Рустамда ҳуқуқий онг ва саводхонлик етарли бўлмаган, деб жавоб бериш мумкин. Бундай кўнгилсиз ҳолатлар ҳар қандай кишида сергаклик, атрофга тийрак кўз билан қараш, ҳар қандай дамда ўз инсонийлик шаънини ҳимоя қила олишни талаб қилади. Ана шундагина баён этилган «қаҳрамонлик»лар, турфа хил зўравонликлар содир бўлмайди.

**Анажон РАЗЗОҚОВА,**
**ҳуқуқшунос**

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-315. Тиражи — 6501. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50